

Шербоев Носир - Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари ўқитувчиси
Илмий раҳбар – Самигова Хушнуда Батировна, Филология фанлари
доктори (DSc), доцент

Sherboyev Nosir Anorboy o'g'li

САВДО ХОДИМЛАРИ НУТҚИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада савдо ходимлари нутқи хусусиятлари ва уни шакллантириш хақида малумот бериб утилган.

Калит сузлар: Тилшунослик, А.Жудис, замонавий савдо, Гегел.

Abstract: This article provides information on the characteristics of the sales staff's speech and its formation.

Key words: Linguistics, A. Judis, modern trade, Hegel.

Тилшуносликда нотиклик санъати назарияси бўйича турли тилларда тадқиқот олиб борилган бўлиб, энг биринчилардан бўлиб, Аристотел ўзининг Риторика китобида муфассал баён қилган. Жумладан, А. Жудис инглиз тилида диалогик риториканинг диалектлар, яъни шеваларга оид хусусиятларини тадқиқ этишга эътибор қаратган, С.П. Фолей эса риторикада ваъда беришга оид хусусиятларни инглиз тилидаги фактик мисоллар асосида ўрганган, М.М. Хинкс инглиз тили ёзма нутқида нотиклик санъати назариясини тадқиқ этган, Л.М. Лонг, А.И. Петонлар ҳам инглиз тили риторик аспектига оид муаммолар бўйича изланишлар олиб борганлар.

Ўзбек тилшунослигида А.Х. Арипова нотиклик турларини ўрганиш ва нотик нутқининг лисоний-услубий воситаларига оид масалаларни ёритишга эътибор қаратган. Д. Тешабаева нутқ маданиятининг замонавий аспектиларини ОАВ матни мисолида тадқиқ этган бўлса, Ҳ. Жалилов, Ҳ. Расулов, С. Свирский, А.Е. Михневич, И.А. Кривелев, Н. Маҳмудов каби олимлар ўқитувчи ва лекторларнинг нотиклик санъати мавзуси устида иш олиб борганлар. С. Иномхўжаев Шарқ нотиклик санъатининг тарихий босқичлари борасида изланиш олиб борган. Б. Омонов эса сиёсий нотиклик маҳоратини таҳлил қилган. Ҳ.Самигова эса инглиз ва ўзбек диалогик нутқида

риториканинг гендер, лингвомаданий хусусиятлари ҳамда ундаги лисоний ва экстралингвистик омилларни тадқиқ қилган.

Ҳозирги вақтда риторикага бўлган эҳтиёж ўсиб бормоқда. Чунки барча соҳаларда яхши мутахассис бўлиш учун, албатта, нотиклик санъатидан хабардор бўлиш зарур жараёнга айланди. Нотиклик санъати – бу нотик шахси билан узвий боғлиқ жараёндир. Нотикқа хос ижобий хусусиятлар нотик нутқининг яхши, гўзал бўлишига олиб келади. Нотик – бу гўзал сўзловчи, намунали, ҳаммага таъсир қила оладиган даражада гапира олувчи инсондир. Нотик сўз устаси, нутққа бой ва чиройли сўзларни топиб гапирувчидир. Нотик омма олдида чиқиши учун махсус малака ва уддалай олиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Нотиклик санъати грекчада риторика деб аталади. Риторика – бу яхши нутқ ва сифатли матнни тайёрлаш, бошқаларга етказиш билан боғлиқ илмий фан ҳисобланади. Нотиклик санъатини ўрганишда ортология таълимоти муҳим рол ўйнайди. Нутқ ҳақидаги таълимоти “ортология” деб аталади. “Ҳар қандай таълимот – чуқур изланишлар, услубий йўналишлар, коммуникатив ёндашувлар ривожланиш ва такомиллашув жараёнларида юзага чиқади. Таълимотнинг риторика – сифат, нутқ маданияти, муомала маданияти, мулоқот услублари, нотиклик санъати, бадиий сўз, ифодали ўқиш, сахна нутқи каби йўналишлардан мавжудлиги, таълимот яхлитлигини сақлаган ҳолда уларни алоҳида ажратиб ўрганишни ҳам тақозо этади.

Жамият тараққиётида риторика ҳақидаги билимларни эгаллаш мутахассисларни бошқалар билан бўладиган мулоқотида, иш фаолиятида, иқтисодий масалаларда, дам олишда, оила шароитида, маънавий-маърифий ишларни бажариш жараёнида ва шу каби ҳаётий шароитларда кўзга ташланади. Нотиклик санъати инсондан ҳаёт фаолиятининг муҳим жараёни сифатида нотикқа хос хусусиятларни билишни талаб қилиб бормоқда. Шу жумладан, савдо ходимлари ҳам ўзининг моҳирона нутқи орқали бозорларда ва тулли хил савдо расталарида харидорларни ўзига жалб қила олишлари бу уларнинг риторикани қанчалар яхши эгаллаганликларидан далолатдир.

Аввало, савдо нима ва у қачон пайдо бўлган деган саволга жавоб топайлик. Савдо бу икки томоннинг ўзаро манфаатли айирбошлашга асосланган келишувидир. “Савдо” атамаси “пул” ва “айирбошлаш” атамалари билан бирга пайдо бўлгандир. Савдо ходимларини тайёрлашда иқтисодий фанларни ўрганишнинг роли шубҳасиздир, бироқ савдо ходимларининг нутқни тинглаш қобилияти, тинглаш ва эшитиш қобилияти ҳам савдо-сотикда энг муҳим жараёнлардан ҳисобланади.

Савдо ходимларининг профессионал даражаси, асосан, тил нормалари, оғзаки ва ёзма нутқда малака даражасига боғлиқ.

Касб-ҳунарлар сирасида савдо ходимларининг савдогарлик касби энг нозиги ҳисобланади. Чунки улар бевосита инсон ва харидорлар билан ишлайдилар. Бинобарин, бу икки томон нутқ воситаси орқали муомала қиладилар. Бу ўринда «нутқ маданияти» ёки «нутқ одоби» ибораларини изоҳлашни жоиз деб билдик. Маълумки, «маданият» сўзи Мадина шахри номидан келиб чиққан. МАДАНИЯТ - ўқимишлилик, таълим-тарбия кўрганлик, зиёлилик, маърифатли бўлиб жамиятни ишлаб чиқаришда, ижтимоий ва маънавий ҳаётда қўлга киритилган ютуқлари мажмуидир¹. Энди одоб тушунчасининг моҳиятини эслайлик. Аслида бу сўз «адаб»дир. АДАБ-жамиятда, кишилар билан муомалада ўзини тута билиш, ахлоқ, тарбия ва унинг нормаларидир². Демак, биз кўзда тутган нутқ табиийки, маърифат, маънавият билан ва албатта, тиб илми билан, «одоб» тушунчаси ахлоқ, тарбия, унинг нормалари билан боғлиқдир. «Маданият» сўзи эса ўқимишлилик, таълим-тарбия кўрганлик, зиёлилик ва маърифат каби тушунчаларни ўзида мужассам этган. Фикримизни асослаш учун АДАБЛИ сўзининг изоҳини ҳам келтирамиз. Унинг маъноси одоб-ахлоқ нормаларига риоя қиладиган, тарбияли, ахлоқли демакдир.

¹O'TIL (o'zbek tilining izohli lug'ati)ning 1 jild, B. 439.

²O'TIL (o'zbek tilining izohli lug'ati)ning 1 jild, B. 26.

Савдо ходимлари эса ўз нутқларида имкон қадар аллегория ва ирониядан эҳтиёткорлик билан фойдаланиши ёки умуман қўлламасликлари мақсадга мувофиқдир.

Демак, қисқа, аниқ, лўнда, шунингдек, гўзал нутқ сўзлай олиш учун турли бадий тасвир воситаларидан унумли фойдаланиш самарали натижа беради.

Замонавий савдо сотиқ жараёнида даромад омили сифатида сўзнинг аҳамияти янада ортди. Турли даврларда нутқ маданиятига доимо катта эътибор билан қаралган. Нутқ маданиятига, харидор билан мулоқот санъатига бекаму кўст, моҳирона амал қилиш осон эмас. Бу савдо ходимидан юксак рухий манбани, юқори маданиятни, ўта нозик даражадаги сезгирликни, билимни, матонатни ва ҳатто баъзида актёрлик даражасидаги маҳоратни талаб қилади.

Қисқа кузатувлар шуни кўрсатдики, Ўзбек бозорларида савдогарлар *такрор, интонация* ва *урғу* каби риторик воситалардан кўпроқ фойдаланадилар. Шунинг учун улар, савдогар деган улуғ ном билан сийланадилар. Бу таърифга сазовор бўлиш учун савдо ходимидан катта билим соҳиби бўлиш ҳам талаб қилинади. Бунинг учун савдо ходимларииктисодиёт илмларини эгаллабгина қолмай, балки адабиёт, санъатни билиши, нутқ гўзаллигини такомиллаштириши лозим. Нутқнинг вазминлиги, ёрқинлиги, гўзаллиги ва ҳикматлилигидан ташқари, савдогар учун нутқдаги хулқ-атвор, услуб, оҳанг, дадиллик, маълум даражада чиройли талаффуз ҳам муҳимдир. Савдо ходимларининг нутқи далилга асосланган ва ишонтирувчан, харидорни ўзига ром қилиб оладиган, айтган тавсия ва кўйсатмаларига риоя қилишга ундайдиган ҳамда савдо қилишга ундай оладиган бўлиши керак. Савдогарнинг фикри мақсадли, изчил бўлиши, харидор унинг сўзларидаги кучни, тўғрилиқни, асосланганликни ҳамда маҳсулот ҳақидаги сифатни сезиши керак. Тажрибали савдогар китоб, шеър мутолаа қилаётганида, театрга борганида оқилона жумлалар, шеърий сатрларни ёдда тутишга ҳаракат қилиб, уларни харидорлар билан бўладиган

сухбатларида қўллай оладиган бўлмоғи даркор. Харидорлар билан сухбатда савдогар халқ донишмандларининг ҳаётни севиш, ўзини ҳурмат қилиш, келажакка ишонч ҳақидаги қисқа, ёрқин ифодаланган мақоллардан ва ўғитлардан ҳам фойдаланиши керак. Бир сўз билан айтганда, кенг маълумотга эгалик, ҳис-туйғуларни тарбиялаш, хусусан, нутқ маданияти харидорлар билан мохирона ва таъсирли сўз орқали алоқа ўрнатишнинг асосидир. Нутқнинг оҳанг ифодаси, талаффузи айниқса муҳимдир. Сухбатда кескин, қўпол, баланд оҳангда гапириш харидор билан илиқ муносабатни ўрнатишга халақит беради. Бу тўғрида немис файласуфи Гегел шундай деган эди: «Овознинг хуш оҳанглигидан гапираётган одам қалбининг гўзаллигини, унинг овозидаги қўполликда эса унга хос бўлган қўпол ҳиссиётни англаб олиш мумкин» Савдогар бутун ҳаёти давомида нутқининг аниқлиги, ўткирлиги, гўзаллиги устида ишлаши керак. Бу ҳолат савдогар касби ва харидорлар билан бўладиган жонли мулоқоти учун зарурдир.

Биз савдо ходимлари риторикасини нутқий фикрлаш ва мулоқот маданияти доирасида савдогарнинг касбий фаолияти ва ўқитиш соҳасига қаратилган маҳсус филология соҳаси сифатида тушунамиз. Мазкур тадқиқотда келажакдаги бизнес ходимларини ўқитишда иқтисодиёт риторикларидан фойдаланиш учун баъзи мулоҳазаларни таклиф қилишга қаратилган.

Савдо ходимлари риторикаси умумий таълимга асосланади ва савдогарнинг кундалик ва касбий фаолияти таркибида савдогар нутқ маданияти ва мулоқотини шакллантириш учун асос бўлади. Савдо ходимлари риторикаси савдогарнинг нутқ маданиятини ривожлантиришга ёрдам беради. Савдо ходимлари риторикасининг асосий тушунчалари таркибига савдогарнинг мулоқот малакасининг турлари, фикрлаш қобилияти, турли хил матнларни яратиш, ҳис-туйғуларини ифодалаш, нутқни баён қилиш воситалари киради.

1. Алибекова К. Журналист имижини. –Т.: Янги аср авлоди, 2012 –Б.108.

2. Античная поэтика. Риторическая теория и литературная практика. М., “Наука”, 2001.

3. Арипова А.Х. Нотиклик нутқининг лисоний-услугий воситалари: Филол. фан. номз. ...дис. – Тошкент: ЎзР ФА, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти, 2002. – 170 б.

4. Баранов А.Н. Политический дискурас: прощение с ритуалом? // Человек. 1997. № 6.

5. Баранов А.Н. Словарь политических метафор. - М., 1994.

Бобожонов Ф. Шахс имижи. –Т.: Янги аср авлоди, 2017. –Б.110.